



СУҒУРТА СОҲАСИНинг ТАРАҚҚИЁТИДА МАНФААТДОР ТОМОНЛАР
ВА УЛАРНИНГ СТРАТЕГИЯСИ

и.ф.д., доц. **Абдурахмонов Ильёс**
Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар университети
ORCID: 0009-0000-6534-9279
a.ilyos@mail.ru

Аннотация. Мақолада суғурта соҳасининг ривожланишида манфаатдор томонларнинг таъсир қилиш воситалари, уларнинг манфаатлари, компания барқарорлигининг ички ва ташқи омилларга таъсири, ҳамда ўзгаришларга жавоб бериш қобилияти, манфаатдор томонларнинг умумий тизими ва уларнинг қизиқиши соҳалари ҳамда улар билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: суғурта компанияси, молиявий барқарорлик, манфаатдорлар томонлар, стейкхолдерлар, акциядорлар, ходимлар, жамият, давлат.

**ЗАИНТЕРЕСОВАННЫЕ СТОРОНЫ И ИХ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ
СТРАХОВОГО СЕКТОРА**

д.э.н., доц. **Абдурахмонов Ильёс**
Университет цифровой экономики и агротехнологий

Аннотация. В статье анализируются средства воздействия на стейкхолдеров в развитии страховой отрасли, их интересы, влияние внутренних и внешних факторов на устойчивость компании, а также ее способность реагировать на изменения, общая система стейкхолдеров и сферы их интересов, а также проблемы, с ними связанные.

Ключевые слова: страховая компания, финансовая устойчивость, заинтересованные стороны, стейкхолдеры, акционеры, сотрудники, общество, государство.

**STAKEHOLDERS AND THEIR DEVELOPMENT STRATEGIES OF
THE INSURANCE SECTOR**

DSc, assoc.prof. **Abdurakhmonov Ilyos**
University of Digital economy and agricultural technologies

Abstract. The article analyzes the means of influencing stakeholders in the development of the insurance industry, their interests, the impact of internal and external factors on the company's sustainability, as well as its ability to respond to changes, the general system of stakeholders and their areas of interest, as well as problems associated with them.

Keywords: insurance company, financial sustainability, stakeholders, shareholders, employees, society, state.

Кириш.

Манфаатдор томонлар ёндашувининг моҳияти шундан иборатки, бизнес фаолияти билан шуғулланувчи субъект фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган манфаатдор томонларнинг манфаатлари ва талаблари кузатилган тақдирдагина барқарор бизнес ривожланишига эришиш мумкин. Бу назария шуни кўрсатадики, компаниялар манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабатлар натижасида қурилган барқарор муносабатлар, улар билан мулоқот қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда уларнинг талабларини ҳиобгаолиш орқали узоқ муддатда янада даромадли ва муваффақиятли бўлиши мумкин. Шу муносабат билан замонавий муваффақиятли компаниялар нафақат даромад олишлари, балки ходимларнинг фаровонлик даражасини таъминлаши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бюджет ва ижтимоий соҳада солик тушумларини таъминлаш, бозорларда талаб қиласидан товар ёки хизматлар билан адолатли нархлар асосида тўлдириш билан ҳам боғлиқлиқда изоҳланади.

Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, бизнес-таҳдил коцепцияси тез ўзгарувчан муҳит шароитларига қаратилган бўлиб, унда манфаатдор томонлар доирасида кенгайиши ва уларнинг манфаатлари ва талаблари турлича бўлиши мумкин. Айнан атроф-муҳитдаги ўзгаришлар барча манфаатдор томонларнинг манфаатлари мувозанатига эришиш учун хўжалик юритувчи субъект фаолиятини янги талабларга мослаштирадиган қарорлар қабул қилишда манфаатдор томонларнинг манфаатларини доимий равишда таҳдил қилишни талаб қиласиди. Шундай қилиб манфаатдор томонларнинг манфаатлари мос келиши ёки қарама-қарши бўлиши мумкинлиги, бу эса ушбу талаблар ва таъсир кучлари тизимида бизнеснинг маълум бир мувозанат ҳолатини таъминлаш – ўзгарувчан муҳитда манфаатлар мувозанатига эришиш ва сақлашни доимий мониторинг қилиш зарурлиги тақозо этиб туради.

Адабиётлар шарҳи.

Стратегик ривожланиши амалга оширишда суғурта бизнесининг барча иштирокчиларининг мақсад ва манфаатларини мувозонатлаш керак бўлади.

Алексеева ва Павлова (2016) тадқиқотларида қўйидагиларни таъкидлашади, жумладан, барча манфаатдор томонлар ўз мақсад профилига эгадир, бу керакли фаолият параметрлари мажмуасидан иборат тўпламдир. Алоҳида иштирокчилар нафақат сезиларли даражада фарқ қиласидан, балки кўпинча бошидан қарама-қарши мақсадларга эга эканлиги билан ажralиб туради. Масалан, мулқдорлар молиявий менежмент ва ходимлар фойдани тақсимлашда тубдан фарқ қиласиди, андерайтинг ва сотиш хизматлари эса тариф сиёсати бўйича мутлақо қарама-қарши позицияларга эга бўлишади ва ҳоказо. Шу билан бирга, суғурта бизнесининг барча иштирокчилари одатда фақат иккита позицияда бир хил манфаатларга эга: компаниянинг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлилиги учун асос сифатидаги стратегик бошқарувнинг мавжудлиги.

Рамазанованинг (2015) фикрига кўра суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилияти суғурталанувчилар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди, сабаби улар суғурта компаниясининг ишончлилигини ва потенциал мижозлар ишончининг кўрсаткичлари бўлиб хизмат қиласиди. Миллионлаб одамларнинг молиявий фаравонлиги суғурта компаниясининг ўз зиммасига олган молиявий мажбуриятларини ўз вақтида бажаришига боғлиқ бўлади.

Аносов ва Саркисов (2015) илмий тадқиқотларида суғурта компанияларининг барқарорлиги ва фаолиятига бевосита таъсир кўрсатадиган омиллар билан бир қаторда билвосита омиллар ҳам сезиларли даражада таъсир қўрсатади, масалан коорпоратив бошқарувнинг умумий стратегияси ва даражаси, молиявий менежментнинг сифати, бошқарув қарорларининг устувор йўналишлари, шу жумладан инновацион ривожланишнинг устувор йўналишлари бўйича: мижозлар базаси, қайта суғурталаш

сиёсати, минтақавий тармоқларнинг ҳолати, ходимларнинг малакаси, бозордаги фаолият давомийлиги, имижи ва бошқаларни келтириб ўтишади.

Кумиков фикрига кўра, тегишли қарорлар қабул қилиш учун компания фаолияти натижалари ўз вақтида ва адекват баҳолаш зарурияти компаниянинг молиявий барқарорлигини баҳолашни талаб қилади. Кўпгина олимлар ўз ишларида компания барқарорлиги унинг ички ва ташқи омилларининг ўзгаришига жавоб бериш қобилиятига боғлиқлигини таъкидлайдилар.

Шунингдек, тадқиқотчи Абдурахмонов (2018-2022) томонидан олиб борилган таҳлилларда суғурта бозори ва соҳаларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва тенденциялари, соҳани давлат томонидан тартибга солиш амалиёти, бозорга рақамли технологияларнинг ижобий ва салбий таъсирлари ўрганилган.

Кўпгина манфаатдор томонлардан энг муҳим таъсирлари инвесторлар, кредиторлар, рақобатчилар, акциядорлар, ходимлар ва жамият томонидан амалга оширилади. Ушбу манфаатдор томонлар гуруҳларининг ҳар бири компанияга ўзига хос манфаатдор даражасига эга ва барқарорликни баҳолашда бир қатор муаммоларга дуч келади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида суғурта компанияларини ривожлантиришда барча манфаатдор томонларнинг манфаатлари, самарали ривожланиш йўналишларининг назарий ва амалий асослари ҳамда илмий адабиётлар ўрганилди, мавзуга оид эмперик тадқиқотларга таянган ҳолда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Суғурта компанияларида молиявий ресурсларни бошқариш биринчи навбатда фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига эга. Бу мамлакат иқтисодиётида суғурта соҳасининг ўзига хос ўрни билан боғлиқ. Суғурта компанияларида молиявий бошқарувни ташкил этиш қўйидагиларга боғлиқ:

- бошқарув қарорларини қабул қилиш соҳасидаги турли иқтисодий бозор субъектларининг (кўриб чиқилаётган бизнеснинг манфаатдор томонлари) мотивлари ва рағбатларини тушиниш керак;
- ташқи муҳит ва ундаги жараёнларни ҳисобга олган ҳолда молиявий муаммоларни таҳлил қилиш имконини берувчи компанияларнинг молиявий моделларини яратишдан иборат бўлиши.

Замонавий назариянинг асосини ташкил этувчиси компаниянинг мақсадлари унинг асосий манфаатдор томонлари (гуруҳлари) манфаатларини, шу жумладан юқори бўғин раҳбарларининг мотивлари ва рағбатларини акси эканлиги англаш зарурдир.

Ресурсларни бошқариш концепцияси ҳар бир манфаатдор томон (гурух) компания учун муҳим ресурсларнинг эгаси эканлиги ва натижада компанияга нисбатан турли манфаатларга эга эканлиги ва унинг фаолияти тўғрисида қарор қабул қилишга таъсир қилиш қобилиятини англатади. Ушбу манфаатдор томонлар ва гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар агентлик конфліктлари дейилади.

Молиявий бошқарув самарадорлигини баҳолаш жараёнида суғурта компаниясининг манфаатдор томонлари ўз мақсадлари ва манфаатларига эга бўладилар (1-жадвал).

**Суғурта компаниясининг манбаатдор томонларнинг алоҳида
мақсад ва манбаатлари**

Алоҳида манбаатдорлар	Мақсад ва манбаатлар
Таъсисчилар (эгалар)	Капиталнинг рентабиллиги ва молиявий барқарорлик даражаси; Компаниянинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш, компания капиталидан оқилона фойдаланиш
Юқори бошқарув раҳбарлари	Ҳар бир бошқарув даражаси учун компания раҳбарияти томонидан белгиланадиган асосий молиявий кўрсаткичлар қиймати
Персонал (ходим)	Иш берувчининг барқарорлиги ва рентабеллиги; Компаниянинг иш ҳақи ва иш жойини сақлашни кафолатлаш қобилияти
Давлат	Турли даражадаги бюджетларга солиқ тўловларнинг ўз вақтида келиб тушиши ва тўлиқлиги, компаниянинг мамлакат ва жамият фаравонлигини оширишдаги роли ва ҳиссаси, ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари
Контрагентлар	Тегишли суғурта тўловлари ўз вақтида тўланиши, тўлов қобилияни, компаниянинг ижобий пул оқимларини яратиш қобилияти, суғурта компаниясининг фаолиятини давом эттириш қобилияти, компанияга берилган зайд, кредитлар ва улар бўйича фоизларнинг ўз вақтида тўланиши

Манба: адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Манбаатдор томонлар компания фаолиятига ва унинг барқарор ривожланишига эришиш қобилиятига таъсир қилувчи томонларни ўз ичига олади. Қоидага кўра, манбаатдор томонлар истеъмолчилар, бизнес эгалари, компания ходимлари, воситачилар, касаба уюшмалари ва бошқа жамиятлардан ташкил топади. Қуйида суғурта компанияларининг асосий манбаатдор томонларнинг эҳтиёжлари ва бизнесдан кутилаётган натижалари келтириб ўтилган (2-жадвал).

Суғурта компаниясининг манбаатдор томонларининг эҳтиёжлари ва ниятлари

Истеъмолчилар	Давлат	Ходимлар	Контрагентлар
Юқори сифатли товар ва хизматлар	Солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушиши	Иш берувчининг барқарорлиги ва рентабиллиги	Суғурта тўловларини ўз вақтида тўлаши
Юқори сифатли хизмат кўрсатиш	Компаниянинг жамият фаравонлиги учун қўшган ҳиссаси	Суғурта компанияси-нинг муносиб иш ҳақи ва иш жойини сақлашни кафолатлаш қобилияти	Компаниянинг мусбат пул оқимларини яратиш қобилияти
	Фаолиятнинг ижтимоий кўрсаткичлари		

Манба: адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Манбаатдор томонларнинг эҳтиёжлари ва улар натижаларининг доимий равища қондирилиши суғурта компанияларининг барқарор ривожланиш имкониятларини кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Контрагентларнинг эҳтиёжлари ва умидларини қондирмаслик суғурта компаниялари фаолиятида рискларни шаклланишига, молиявий барқарорликнинг пасайишига ва иқтисодий хавфсизликнинг бекарорлашишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, суғурта компанияларининг асосий вазифаси ушбу эҳтиёжларни аниқлаш, улар орасидаги орасидаги устуворликни аниқлаш ва ушбу эҳтиёжларни қондирадиган жараёнларни, механизмларни ва воситаларни яратишдар иборатдир. Шунингдек, манбаатдор томонларнинг

эҳтиёжлари ҳар доим ташқи (қонунчилик, рақобат, технологик ўзгаришлар ва бошқалар) ва ички (ресурслар, компания фаолиятининг энг юқори нуқтаси, компания имкониятлари ва бошқалар) таъсири остида ўзгариб туради, буларни ҳисобга олган ҳолда суғурта компанияси эгилувчанлик ва мослашувчанлик асосида фаолият юритишларини тақазо этиб туради.

Ҳозирги вақтда суғурта соҳасида суғурта компаниялари барқарор ривожланишига (яъни манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини ва бизнесдан кутилаётган ишончларини оқлаш) тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммолар пайдо бўлмоқда. Ушбу муаммоларни таҳлил қилиш (ҳар бир манфаатдор томон учун фарқли) уларни даражаларига қараб минималлаштириш орқали энг яхши оптималь усулларни танлашга қаратилган.

1. Истеъмолчилар/мижозлар. Маълумки, мижозларни сақлаб қолиш янги мижозларни жалб қилишдан кўра бир неча баробар арzonроқдир. Мутахассисларнинг фикрича, мижозларни сақлаб қолиш коэффициентини 5 фоизга ошириш суғурта компанияларига фойдани 80 фоизга ошириш имконини беради. Мавжуд мижозлар базасини сақлаб қолиш ва уни кенгайтириш асосан маҳсулот ва хизмат кўрсатишнинг юқори сифати билан таъминланади. Ходимлар малакаси ва қобилият даражасининг пастлиги компаниялар фаолиятига IT- технологияларни самарали жорий этиш орқали суғурта бизнесини модернизация қилиш ва суғурта компанияларининг барқарор ривожланишини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда. Шунга кўра, суғурта компаниялари ходимларининг шахсий, ижтимоий ва касбий малакаларини ошириш орқали мижозларнинг содиқлигини ва уларга юқори сифатли хизмат кўрсатишга бўлган эҳтиёжларини қондириш таъминланади. Технологик жараёнларни тизимли равишда ўзgartириш, рақамли маконда модернизация қилиш, иқтисодий моделларнинг прогрессивлиги шароитида суғурта бизнеси эволюциясида кадрлар малакасининг роли қайта-қайта янгиланиб бориши муҳимдир. ISO 9001 талабларига мувофиқ, тижорат компанияларга тақдим этаётган маҳсулот (хизматлар) сифатини ошириш учун ходимларнинг малакасини мунтазам равишда ошириб боришлари талаб этилади. Инновация ва янгиликларининг кенг жорий этилиши ва технологик самарадорлик билан ажralиб турадиган суғурта бозори унинг иштирокчилари (ссуғурта компаниялари ходимлари) билим ва кўникмаларини доимий равишда янгилаб туришни талаб қилиб қиласди. Шу билан бирга, суғурта ходимларининг малакаси аҳолининг молиявий саводхонлигига таъсир қиласди. Суғурта бизнесининг ўзига хослиги ва суғурта маҳсулотларини тушунишнинг мураккаблиги туфайли миллий ссуғурта бозоримизда суғуртага талаб жуда паст даражада қолмоқда. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ниҳоятда муҳим вазифадир, чунки бу омил суғурта компанияларининг барқарор ривожланишини таъминлашда катта рол ўйнайди. Бундан ташқари, инновацион рақамли технологиялар билан синтезда суғурта компаниялари ходимларининг малакасини ошириш самарасиз ходимларни аниқлаш ва улар малакасини ошириш имкониятини беради.

2. Персонал/ходимлар. Инсон капиталининг сифати суғурта компанияларининг рақобатбардошлигини, уларнинг рентабеллигини, молиявий барқарорлигини ва ривожланиш салоҳиятини белгилайди. Беқарор, ноқўлай ва тизимли равишда ўзгариб турадиган муҳитда малакала кадрлар суғурта компаниясининг барқарор ривожланишига эришишнинг асосий воситасига айланади. Ходимларнинг эҳтиёжлари ва умидларини қондириш асосан муносаб (инвестиция қилинган меҳнатга тенг) иш ҳақи билан боғлиқдир. Шу билан бирга, объектив рейтинг тизими (кўпчилик суғурта компаниясининг ходимларни бошқариш тизимларида кўлланилади) билан кафолатланади, ҳамда унинг доирасида ходимларнинг иш ҳақи улар фаолиятининг натижаларига мувофиқ белгиланади.

Баҳолаш тизимининг прогрессивлиги ва шаффоғлигига қарамай, амалда малакани бундай баҳолаш суғурта компаниялари ходимларининг норозилигига сабаб бўлади. Бундай ҳолда тенгсизликни тенглаштириш ёки адолатлилигини таъминлаш мақсадида қўйидагилардан фойдаланиш мумкин бўлади:

- иш ҳақи фондидан қўшимча тўловларни белгилаш (кўрсаткичлар, бошқарув, лойиҳада иштирок этиш, асосий самарадорлик кўрсаткичларига этиш учун тўловлар);

- баҳолаш тизимини суғурта компаниясининг ҳар бир ходими учун асосий фаолият кўрсаткичлари тўплами бўлган КРІ кўрсаткичлари тизими билан тўлдириш. КРІ бонуслар миқдорига сезиларли таъсир қўрсатади, бу ходимларнинг компания фаолиятидаги индивидуал ҳиссасини аниқлаш имконияти билан белгиланади.

3. Давлат. Бу давлат ва ҳукумат томонидан суғурта компанияларининг тўғри ва шаффоғ фаолият кўрсатишлари учун ўрнатиладиган меъёрий-ҳуқуқий асосларни қамраб олади. Давлат суғурта компаниялари томонидан бажарилиши лозим бўлган меъёрларни киритишга ҳақли, бу орқали у суғурта маҳсулотларининг сифати, қамровлигини, жамият ва иқтисодиёт ривожланишини таъмингашга эришиши мумкинлиги билан тавсифланади.

Юқоридаги таҳлилларни тизимлаштириш мақсадида суғурта компанияларининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий жиҳатларини акс эттирувчи жадвални (3-жадвал) шаклантирамиз.

3-жадвал

Суғурта компанияларининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий муаммолари

Манфаатдор томонлар	Истеъмолчилар	Персонал/ходимлар	Давлат
Ташқи омиллар	Аҳоли тўлов қобилиятининг пасайиши. Суғурта маданиятининг паст даражаси	-	Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятига нисбатан қатъий тартибга солувчи талабларни жорий этиш
Ички омиллар	Мижозларга йўналтирилмаган фаолият. Малаканинг паст даражаси	Моддий рағбатлантиришнинг самарасиз тизими.	Тартибга солишининг янги талабларига жавоб бермаслик
Рисклар	Суғурта ишончнинг паст даражаси. Молиявий барқарорликнинг издан чиқиши	Суғурта компаниялари фаолиятини модернизация қилишни чеклаш	Суғурталанувчилар олдида имижнинг тушиб кетиши
Имкониятлар	Суғурта компанияларининг рақобатбардошлиги, рентабиллиги, молиявий барқарорлиги ва ривожланиш салоҳиятининг ошириш	Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш. Инновацион бизнес воситалари ва инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш имконияти	Бизнес юритиш соҳасида янги имкониятлар. Суғурта соҳаси барқарорлигини мустаҳкамлаш

Манба: адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Компаниянинг барқарор ривожланиши унинг манфаатдор томонларнинг (мижозлар, давлат, жамият, воситачилар ва бошқалар) эҳтиёжлари ва хоҳишларини қондириш қобилияти билан таъминланади. Барқарор ривожланишга эришиш учун асосий риск ва имкониятлар билан боғлиқ суғурта компанияларининг манфаатдор томонлари исътемолчилар, ходимлар ва давлат. Тадқиқот давомида биз томонимиздан суғурта компанияларининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг қуидаги муаммолари аниқланди: ходимларнинг савияси ва малакасининг паст даражаси, ходимларни моддий рағбатлантиришнинг қониқарсиз тизими, молиявий барқарорлик ва тўлов қобилиятининг янги норматив талабларига жавоб бермаслик риски.

Хулоса ва таклифлар.

Иқтисодий ўзгарувчанлик шароитида фаолият юритувчи суғурта компаниялари муваффақиятли фаолият юритишлари ва рақобатбардош устунликларни мустаҳкамлаш мақсадида ўз фаолияти самарадорлигини оширишга интиладилар. Манфаатдор томонларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда суғурта компаниялари фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларининг оқилона тизимини шакллантириш муваффақиятининг асосий омилларидан биридир.

Суғурта компаниялари фаолиятининг самарали таҳлилий воситаларини ташкил этишнинг асосий тамойилларини қўллаш орқали улар манфаатдор томонларнинг бугунги тез ўзгариб бораётган молиявий муҳитда янада барқарор ва давомий бўлишига имкон беради.

Шундай қилиб, ташқи ва ички омилларнинг доимий мониторинги суғурта компаниясининг иқтисодий барқарорлигини, молиявий фаравонлигини ва умуман унинг жозибадорлигини сақлашнинг объектив эҳтиёжиdir.

Адабиётлар/Литература/Reference:

- Abdurahmonov, I. (2020). Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 5.
- Abdurakhmonov PhD, I. (2020). Impact of insurance services on the development of real sector enterprises. *International Finance and Accounting*, 2020(6), 7.
- Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.
- Abdurakhmonov, I. (2020) "Regulation of the insurance market and implementation of effective mechanisms of prudential control," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020: Iss. 2, Article 10. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/10>
- Abdurakhmonov, I. (2020). Methods and approaches to evaluating the insurance industry efficiency. *International Finance and Accounting*, 2020(3), 7.
- Abduraxmonov, I. (2022). Sug'urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. MOLIYA VA BANK ISHI, 8(3), 60-67.
- Abduraxmonov, I., Abduraimova, M., & Abdullayeva, N. (2018). Sug 'urta nazariyasi va amaliyoti. O'quv qo'llanma. Toshkent."IQTDISOD-MOLIYA.
- Ilyas, A. (2018). Competition in the insurance market of Uzbekistan. *Asian journal of management sciences & education*, 7(2), 56-61.
- Ilyas, A. (2018). Insurance market analysis methods: case-study from Uzbekistan. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 7(1), 59-68.
- Ilyos, A. (2019). Fair tariff policy in insurance: Theory and methods of calculation. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 8(2), 20-27.
- Khurshidovich, A. I. (2021). Issues of innovative development of insurance in Uzbekistan. *International Journal of Management IT and Engineering*, 11(7), 91-96.

Абдурахмонов И.Х. (2020) Ислом суғуртаси ёки тақафулнинг назарий-иқтисодий асослари ва амалга ошириш моделлари таҳлили. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. № 6 (2020). 80-87.

Абдурахмонов И.Х. (2020) Суғурта соҳасида маркетингнинг янги технологияларини қўллаш истиқболлари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнал. №4, 1-10 б.

Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №1, 95-99 б.

Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида янги рақобат қўринишлари: назарий асос ва иқтисодий таҳлил. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №2, 145-150 б.

Абдурахмонов, И. (2020). Суғурта бозорини тартибга солиши ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиши,. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали, 2, 1-8.

Абдурахмонов, И. (2022). Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. MOLIYA VA BANK ISHI, 8(1), 95-99. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/82>.

Абдурахмонов, И. (2023). Совершенствование практики страхования ответственности в Республике Узбекистан. Каталог авторефератов, 1(1), 1-20. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/autoabstract/article/view/41252>.

Абдурахмонов, И. (2024). НЕИЗВЕСТНЫЕ НАМ РИСКИ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. Экономическое развитие и анализ, 2(7), 230-239. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48792>.

Абдурахмонов, И. (2024). Страховой рынок: современное состояние и тенденции развитие. Экономическое развитие и анализ, 2(4), 309-319. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48500>.

Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари. Nashrlar, 2(D), 12-15. <https://doi.org/10.60078/2024-vol2-issD-pp12-15>.

Абдурахмонов, И. (2024). ТАКАФУЛ: ТЕОРЕТИКО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И МЕХАНИЗМЫ РЕАЛИЗАЦИИ. Экономическое развитие и анализ, 2(6), 298-307. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48728>.

Абдурахмонов, И. Х. (2018). Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.: "Иқтисод-Молия" нашриёти, 23-24.

Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. Учебник/-Т.: «Иқтисод молия, 353-354.

Абдурахмонов, И. Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришининг концептуал асослари. Автореферат дисс... и. ф. д, 78.

Абдурахмонов, И.Х. (2024). Суғурта соҳасининг самараадорлигини баҳолаш. TADQIQOTLAR. UZ, 37(6), 161-167.

Алексеева О.Л., Павлова М.С. (2016) Оценка результативности управления финансами страховой компании с позиции ключевых стейкхолдеров. Вестник Российской университета кооперации. № 1(23) – с. 4-7.

Аносов А.В., Саркисов С.Э. (2015) Проблемы адаптации моделей рейтинговой оценки страховых организаций при управлении рисками инновационно ориентированного развития. Вестник Таджикского государственного университета права, бизнеса и политики. 2015 №1, — с. 82-92.

Кумыков А.Е. (2018) Особенности анализа финансовой устойчивости организации внутренними заинтересованными сторонами // Вестник Евразийской науки, 2018 №2, том 10, стр 1-9.

Рамазанова Д.И. (2015) Оценка финансовой устойчивости страховой компаний. Вестник Дагестанского государственного технического университета. Технические науки. №1 (36), – с. 131-135.